



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidiyjournal.uz

+998971 244-35-36
 @moturidiyuz

www.moturidiy.uz
info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

الماطريدييـة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввуф: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика)..... 4

Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби..... 20

Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршунослиқдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар:
қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъқиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар)..... 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи..... 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф Ал-Осор” асари 94

Mas'udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий,

ижтимоий ва сиёсий мухит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari..... 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” асаридаги she’riy parchalar tasnifi 137

Oybek X. SOTVOLDIYEV,
Head of the Department at the Imam Maturidi
International Scientific Research Center, PhD
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: oybeksaydali1996@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/10

ТАБАҚОТ ЖАНРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

HISTORY OF THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF THE TABAQAT GENRE

ИСТОРИЯ ВОЗНИКОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ЖАНРА ТАБАКАТ

КИРИШ

Ислом тарихнавислигига биографик йўналишдаги асарлар ёзилиш услугиб ёки қамровига кўра турли номлар билан қаламга олинган. Масалан, табақот, тарожим, маноқиб, сийрат, ахбор, машойих, вафаёт каби жанрлардаги асарлар бунга мисол бўла олади. Булар қаторида табақот жанрига оид китоблар илк даврлардан ёзила бошлангани ва кишиларнинг таржимаи ҳолини уларни маълум гурухларга ажратган ҳолда баён қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу туркумдаги китобларда фақатгина шахслар биографияси билан кифояланиб қолинмаган, балки уларда ислом тарихига оид муҳим воқеа-ҳодиса ва жараёнлар ҳақида ҳам сўз юритилган. Мусулмонлардан аввалги халқлар тарафидан ҳам биографик хусусиятга эга адабиётлар яратилган бўлса-да, табақот жанри айнан ислом тарихнавислигининг ўзига хос йўналиши сифатида пайдо бўлган. Шарқшунос Франц Розенҳал табақот китобларини ёзиш анъанаси мусулмонлар томонидан бошланганини таъкидлаган (Franz Rosenthal, 1963:133–134). Ториф Холидий эса, табақот жанрини “араб-мусулмон маданиятининг ноёб намунаси” сифатида баҳолаган (Tarif Khalidi, 1973:53–56).

Бир даврда ёки бир-бирига яқин даврда ҳамда ҳудудда яшаб, баъзи умумий жиҳат ва хусусиятларга эга бўлган инсонлар гурухи маъносини билдирувчи “табақот” (طبقات) сўзи ислом тарихнавислигидаги жанрнинг номи ҳисобланади. Ислом тарихининг илк даврлари

– хижрий II асрдаёқ ёзила бошланган табақот китоблари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турувчи биографик турдаги асарлар саналади. Табақот китоблари ёзилган давридан то ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Бу жанрдаги китобларини ёзиш анъанаси кейинчалик бошқа ижтимоий-гуманитар ва ҳаётий илмларда давом этиб борган. Бугунги кунда жуда кўплаб соҳаларда ёзилган табақот китоблари мавжуд.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Табақот” арабча сўз бўлиб, у “табақа” (طبقة) калимасининг кўплик шакли ҳисобланади. Луғатда “бир нарсанинг ташқи тарафини қоплаган қобиқ, ўраб турган нарса; бирлашган, мувофиқлашган, тенг келган ҳолат, вазият, гурух, жамоа” (Ибн Мунзир, 1968:209–211) маъноларини билдиради. Луғавий маъносидан ҳам англашилгани каби, аввалдан араблар орасида кенг қўлланилиб келган “табақа” сўзи ислом илмлари тадвин қилина бошлаган вақтда котиблар орасида кундалик истеъмолдаги маъносидан бироз фарқли маъно касб этган ва янги жанрнинг номига айланган.

Илк давр манбаларида “табақа” сўзининг таърифи учрамайди. Бироқ табақот номи остида таълиф этилган асарларнинг мазмунига назар солинса, “табақа” сўзи орқали макон, замон ёки ўзига хос жиҳатлари билан ўхшаш бўлган кишилардан таркиб топган гурухлар назарда тутилганини кўриш мумкин. Шу маънода бугунги кунгача етиб келган илк табақот китоби саналувчи Ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубр” асарида саҳобийлар қатнашган жанглари ва исломга кириш тарихларига кўра, тобеийлар эса, ровийлари, ёшлари ва яшаган шаҳарларига кўра гурух (табақа)ларга ажратилган. Шу тариқа Ибн Саъд замон, макон ёки кишиларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда шакллантирган гурухларига “табақа” номини берган. Айни шу тарзда Султон ибн Хайбот (ваф. 240/854–855) ва Муслим ибн Ҳажжож (ваф. 231/875) “ат-Табақот” номли китобларида замон ёки макон нуқтаи назаридан шакллантирган гурухларини “табақа” деб номлаганлар. Шунга ўхшаш ҳолат бошқа табақот китобларида ҳам кўзга ташланади. Мисол учун, “Табақот ан-наҳвийийин ва-л-луғавийийин” асарининг муаллифи Абу Бакр Зубайдий (ваф. 379/989) ўз китобининг муқаддимасида нахв ва тил

Аннотация. Инсоният тарихида то бугунги кунгача яшаб ўтган мұхим шахслар, жумладан, пайғамбарлар, ҳұммодорлар, олимлар ҳаётини ўрганишида биографик мазмундаги китоблар асосий мурожаат манбаи ҳисобланади. Бу борада ислом тарихининг дастлабки уч асрида яшаб ижод қилған мұхаддис ва тарихчилар томонидан асос солинган табақот жасарыга оид асарлар алоҳида аҳамиятта эга. Табақот китоблари шахсларни мақом-мавқеи, насади, илм-фандаги соҳаси, касби, яшаган ҳудуди ва даври сингари мезонлар асосида гурухларга ажратиши билан бошқа түрдеги манбалардан ажратылған.

Мазкур мақолада умумий маңында табақот жасарынинг юзага келиши ва ривоҷланиши тарихи күриб чиқылған. Ҳусусан, “табақот” сўзига олимлар тарағиғидан берилған таърифлар, табақот жасарынинг юзага келишидаги омиллар, илк табақот китоблари ва уларнинг муаллифлари, табақот жасарынинг ривоҷланиши натижасида турли соҳаларга оид табақотларнинг юзага келиши, табақот түркүмдеги асарларнинг ислом тарихини ўрганишидаги аҳамияти сингари масалалар таҳлил қилинған. Мақола сўнгидә эса, тадқиқот давомида эришилған натижаси ва хулосалар келтирілған.

Калим сўзлар: табақот, ријсол, ҳадис, мұхаддис, Ислом тарихи, Ибн Са’д, “ат-Табақот ал-кубрө”, ровий, саҳоба, тобейй.

Abstract. Biographical books are the main source of reference for studying the lives of important people who lived in history from the beginning of mankind to the present day, including prophets, rulers, and scholars. In this regard, the works related to the tabaqat genre founded by muhaddiths and historians who lived and worked in the first three centuries of Islamic history are of particular importance. Tabaqat books differ from other types of sources in that they divide individuals into groups based on criteria such as status, lineage, field of science, profession, region of residence, and era.

This article examines the history of the emergence and development of the tabaqat genre in a general sense. In particular, the definitions of the word “tabaqat” given by scholars, the factors in the emergence of the tabaqat genre, the first books of tabaqat and their authors, the emergence of tabaqats in various fields as a result of the development of the tabaqat genre, and the importance of the works of the tabaqat series in the study of Islamic history were analyzed. At the end of the article, the results and conclusions of the research are presented.

Keywords: tabaqat, rijal, hadith, muhaddith, history of Islam, Ibn Sa’d, “at-Tabaqat al-Kubra”, narrator, companion, follower.

Аннотация. Биографические книги являются основным справочным источником для изучения жизни известных людей, живших в истории от зарождения человечества до наших дней, включая пророков, правителей и ученых. В этой связи особое значение имеют произведения, относящиеся к жанру табакат, созданные мухаддисами и историками, жившими и творившими в первые три века исламской истории. Книги табакат отличаются от других типов источников тем, что они подразделяют людей на группы на основе таких критерииев, как статус, происхождение, область науки, профессия, регион проживания и эпоха.

В данной статье рассматривается история возникновения и развития жанра табакат. В частности, представлен анализ определений слова “табакат”, причин возникновения жанра табакат, первых книг в жанре табакат и сведения об их авторах, возникновении произведений в жанре табакат в различных областях в результате развития этого жанра, а также их значение в изучении исламской истории. В конце статьи представлены результаты и выводы исследования.

Ключевые слова: табакат, риджас, ҳадис, мұхаддис, история ислама, Ибн Саад, “ат-табакат аль-кубра”, передатчик, сподвижник, последователь.

олимларининг яшаган даврлари ва худудларини эътиборга олиб, уларни мактаб ва илмий мартабаларига кўра табақаларга ажратганини таъкидлаган (Абу Бакр Зубайдий, 1984:17). Худди шундай, “ат-Табақот ас-суфия” асарининг муаллифи Абу Абдураҳмон Суламий (ваф. 412/1021) ҳам ўз китобини ёзишда сўфийларни яшаган даврига кўра табақалаб чиққанини билдириб ўтган. Суламий сўфийларни беш табақага ажратгани, ҳар табақада бир-бирига яқин ёки айни замонда яшаган 20 нафар сўфийни

зикр қилганини айтган (Абу Абдураҳмон Суламий, 1998:10). Шундай қилиб, ўз китобларида “табақот” сўзининг маъносини изоҳлаб ўтмаган илк давр табақот муаллифлари кишилар гурухини шакллантиришда эътиборга олган мезонлари воситасида гүёки табақот тушунчасига таъриф берганлар.

“Табақа” сўзини атама сифатида илк бор таърифлаган олим Зайнiddин Ироқий (ваф. 806/1404) ҳисобланади. “Табақа” сўзи табақот китоблари ёзила бошлаганидан олти аср

ўтибина таърифланишига бу сўзнинг ўз луғавий маъносидан узоқ бўлмаган маънода қўллангани ҳамда табақот китоблари тузилиш шаклиниң таърифга эҳтиёж сезмайдиган даражада тушунарли бўлганини сабаб қилиб келтириш мумкин.

Ироқий табақа сўзини: “ёш ва санадда ёки фақатгина санадда ўхшаш бўлган кишилардан иборат гурух” (Абул Фазл Зайнуддин Ироқий, 2002:242–243), деб таърифлаган. Ироқийдан кейинги олимлар ҳам, баъзи фарқли лафзларни ишлатган бўлсалар-да, умумий ҳолда айни таърифни қўллаганлар. Мисол учун, унинг талабаси Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449) айни таърифни ишлатиш баробарида “ўхшаш санад” сўзининг ўрнига “бир устоз” сўзини ишлатган (Ибн Ҳажар Асқалани, 2000:134). Ибн Ҳажарнинг талабаси Шамсиддин Саховий (ваф. 902/1497) эса Ироқийнинг таърифини келтириб, ушбу таърифдаги ёш ўхшашлигидан мақсад ҳамасрлик, замондошлиқ, санаддаги ўхшашликдан мурод эса, устози Ибн Ҳажарнинг таърифида келган “айни устоздан ривоят келтириш” (бир устоз) эканини таъкидлаган (Шамсуддин Саховий, 2005:499). Кўриниб турганидек, Ироқийдан кейинги олимлар ҳам айни таърифни қўллаганлар, бироқ, ўрни келганда ўша таърифга баъзи изоҳларни ҳам қўшганлар.

Асьад Солим Тайим табақот китоблари ҳақида ёзган “Илм табақот ал-муҳаддисин” номли китобида “табақа” сўзини: “Етарли муддат бирга бўлиб, ораларида макон, илм ёки қабила тарафлама алоқа мавжуд бўлган ровий ёки олимлар гурухи” деб таърифлаган. Мазкур таъриф аввалги таърифларга нисбатан мукаммалроқ. Аммо таърифдаги муштарак жиҳатларнинг макон, илм ва қабила риштаси билан чеклаб қўйилгани уни нуқсонли қилиб қўяди. Чунки табақот китоблари орасида ушбу уч васфдан ташқари ўхшашликлари мавжуд бўлган кишилар ҳақидаги асарлар ҳам учрайди. Мисол учун, Суютийнинг “Табақот ал-хатtotin” номли асари хаттотлик соҳаси вакилларини ўз ичига олгани учун ушбу таърифга мос тушмайди. Мана шу жиҳатдан Тайимнинг таърифини мукаммал дейиш мумкин эмас.

“Рижол илмига кириш” номли китобида табақа илмига алоҳида бўлим ажратган турк олими Эмин Ошиккутлу “табақа” сўзининг таърифига доир икки мисолни келтириб ўтади. Биринчи мисолда Ироқий келтирган таърифни зикр қиласи. Иккинчи мисолда Ошиккутлу

табақани “айни аср ёки даврда яшаб, баъзи муҳим ҳолатлар ва васфларга кўра ўхшашликлари мавжуд бўлган кишилар гурухи” деб келтиради (Emin Âşikkuṭlu, 2007:52). Хоҳ ислом илмлари, хоҳ бошқа илмлар нуқтаи назаридан “табақа” сўзига мувофиқ келувчи ушбу таъриф маконлар бўйича ёзилган табақаларга тўғри келмайди. Мазкур таъриф “бир-бирига яқин давр ёки маконда яшаб, баъзи муҳим ҳолатлар ва васфларга кўра ўхшашликлари мавжуд бўлган кишилар гурухи” шаклида бўлганда, табақа сўзи учун бошқа таърифга эҳтиёж қолмасди. Чунки бу таъриф табақа сўзини очиқ ифодалаши билан бирга ислом илмларидан ташқари, бошқа соҳага доир табакотларни ҳам ўз ичига олади.

Шу тарзда ислом илмлари адабиётида бир замон ёки маконда яшаб, баъзи муҳим ҳолатлар ва васфларга кўра ўхшашликлари мавжуд бўлган кишилар гурухининг биографияларини бир ерга жамлаган асарларга “табақот китоблари” номи берилган (Muhammed Aslan, 2017:275). Ушбу таъриф барча табақот китоблари учун мос келади.

Табақот китобларидаги асосий эътибор қаратиладиган жиҳат шахсларнинг муайян табақаларга ажратилиши бўлиб, бундай китобларда исми келган кишилар ҳақида биографик маълумот бериш шарт қилиб қўйилмайди. Мисол учун, Имом Муслимнинг (ваф. 261/875) “ат-Табақот” китобининг кўп ўринларида ровийларнинг фақатгина исми келтирилган, ҳадис илмида муҳим хисобланувчи мезон, яъни уларнинг туғилган ва вафот этган саналари ҳам кўрсатилмаган (Huzyeфe Çeker, 2018:20).

Табақот атамаси баъзи ҳолларда одатий маъносидан ташқарида ҳам ишлатилган. Мисол учун, баъзи олимлар бу сўзни умумий биография маъносида қўллаганлар. Бу ҳолат Мухаммад ибн Юсуф Жанадийнинг (ваф. 732/1332) “Китоб ас-сулук фи табақот ал-уламо ва-л-мулук” номли асарида учрайди. Асарнинг мазмуни ўрганилганда, унинг табақот китоби эмас, балки умумий биографик асар экани маълум бўлади. Чунки мазкур асарда табақалар мавжуд эмас, муаллиф Пайғамбар (с.а.в.)дан бошлаб, сultonлар, давлат арбоблари ва олимларнинг таржимаи ҳолини баён қилган. Шундай қилиб, Жанадий “табақот” сўзини умумий биография маъносида ишлатган. Табақот атамасини умумий тарих маъносида ишлатган олимлар ҳам бор. Бунга ал-Малик Ашраф Исмоил ибн

Аббос Фассонийнинг (ваф. 803/1400) “ал-Асжад ал-масбуқ ва-л-жавҳар ал-маҳқуқ фи табақот ал-хулафо ва-л-мулук” номли асарини мисол келтириш мумкин. Мазкур китобнинг мазмунига қараладиган бўлса, унинг табақот китобидан кўра кўпроқ умумий тарих китоби экани ойдинлашади. Чунки бу китоб хронологик тарзда тарихий воқеалар ва шахслар ҳақида ҳикоя қиласди.

МУҲОКАМА

Ўз даврида табақот жанрининг шакланишига маълум диний ва илмий омиллар сабаб бўлган. I/VII асрда мусулмон диёрларининг кенгайиши натижасида турли маданиятларга мансуб қишилар исломга кирган. Бунинг натижасида мусулмонлар ҳадис ривоят қиливчи қишилардан санад сўрай бошлаганлар ва шунга боғлиқ ҳолда ровийларнинг ҳолини аниқлаш учун улар ҳақида маълумот тўплаш эҳтиёжи туғилган. Кейинроқ ҳадисларни нақл қилиш асносида ровийларга оид маълумотлар ҳам келтириб борилган. Бироқ, ҳадислар мустақил асарларда ёлғиз ҳолда тадвин қилина бошлагач, ровийлар ҳақидаги маълумотларни ҳам алоҳида китобларга жамлаш кун тартибига чиқсан. Шу тарзда ҳадис китоблари баробарида табақот китоблари ёзила бошлаган.

Табақот китобларининг пайдо бўлишига туртки бўлган диний омил эса, бевосита Қуръон ва суннатга таянади. Қуръонда, умумий тарзда, мўминларни, хос ўлароқ саҳобийларни баъзи мезонларга кўра синфларга ажратилган. Мисол учун, Нисо сурасининг 95-оятида уларни жангда қатнашиб, Ҳадид сурасининг 10-оятида эса, Макка фатҳидан аввал инфоқ қилганлик бўйича икки гурухга айирган. Мана шу услугуб табақот муаллифлари учун илҳом манбаига айланган. Улар ўз асарларини ёзишда қишиларнинг таржимаи ҳолини уларни гурухларга ажратган ҳолда тақдим қилишга уринганлар.

Қуръони каримдаги яна бир муҳим жиҳат баъзи тоифаларнинг устунликларига кўра тартибланишидир. Бу борада Аллоҳ таоло Тавба сурасининг 100-оятида “Биринчи пешқадам муҳожирлар ва ансорийлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар – Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар” деб, улар ўртасидаги фазилатда устунлик мавжуд эканига ишора қиласди. Илк табақот муаллифлари

мана шундан келиб чиқсан ҳолда ўз китобларини қишиларнинг фазилатига қараб тартиблашган.

Мазкур оятларга қўшимча равишда, уларни қувватловчи ҳадислар ҳам мавжуд. Пайғамбар (с.а.в.): “Одамларнинг энг яхшиси менинг асримдагилардир. Сўнгра улардан кейин келадиганлари. Сўнгра улардан кейин келадиганлари” деб, ислом умматининг илк уч авлодини фазилатда бошқалардан юқори эканини таъкидлаганлар. Ислом олимлари мана шу ҳадисни табақот китобларининг шаклланишидаги асос деб қабул қиласди (Мухаммад ибн Матар Заҳроний. 2005:38). Мазкур оят ва ҳадисларга асосланган ҳолда табақот муаллифлари мусулмонларнинг илк авлодини табақаларга ажратиб чиқсанлар ва натижада ўзидан аввалги авлод вакили билан кўришиб учрашиш шартини қўйган ҳолда уларни “саҳобий, тобеий ва табаа тобеий” шаклида таснифлаганлар. Натижада, мусулмон олимларнинг меҳнати самараси бўлган табақот жанри юзага келган.

Манбаларга кўра, табақот китобларининг илк намуналари ҳижрий II асрнинг биринчи чорагида ёзилган. Бироқ, мазкур даврларда битилган табақот китоблари ҳозиргача сақланиб қолмаган. Маълум бўлишича, табақот номи билан ёзилган биринчи китоб Восил ибн Атога (ваф. 131/748) нисбат берилган “Табақот аҳл ал-илм ва-л-жаҳл” номли асардир (Ёқут ал-Ҳамавий, 1993:2795). Манбаларда мазкур асарнинг номи учраса-да, бироқ унинг мазмунига доир бирор маълумот келмаган. Аммо муаллифнинг ижод қиласди соҳаси ва эътиқодий қарашлари ҳақида фикр юритиладиган бўлса, асар ўша давр ақидавий мазҳаблари бўйича ёзилган бўлиши мумкин.

II/VIII асрда яна бир қатор табақот китоблари ёзилган. Манбаларда Муафо ибн Имронга (ваф. 185/801) “Китоб табақот ал-муҳаддисин” ёки “Тарих ал-Мавсил” номли асар нисбат берилади (İbrahim Hatipoğlu. (2005:305). Унинг замондоши Ҳайсам ибн Адий (ваф. 207/823) ҳамда Мухаммад ибн Умар Вокидий (ваф. 207/823) ҳам табақот китоблари ёзганлар. Ҳайсам ибн Адийнинг “Табақот ман рова ъан ан-Набий мин асхабиҳи” ҳамда “Китоб табақот ал-фуқаҳо ва-л-муҳаддисин” номли икки асари бўлгани қайд этилса (Ёқут ал-Ҳамавий, 1993:2792), замондоши Вокидийнинг “ат-Табақот” номли китоб ёзгани таъкидланади (Ибн Надим, 1971:111). Бироқ мазкур асарларнинг кўлэзмалари сақланиб қолмаган бўлиб, уларнинг мазмунига доир маълумотлар мавжуд эмас.

Ҳозирда мавжуд табақот китобларининг энг қадимгилари ҳижрий III асрда ёзилган. Бугунгача

етиб келган илк табақот китоби эса, Ибн Саъднинг (ваф. 230/845) “ат-Табақот ал-кубро” асари (Ибн Надим, 1971:111). Ҳижрий учинчи асрда ёзилган ва ҳозирда мавжуд бошқа йирик табақот китоблари эса Султон ибн Хаййотнинг (ваф. 240/854) “Китоб ат-Табақот” (Ибн Надим, 1971:288), Ҳумайд ибн Занжавайхнинг (ваф. 251/865) “Табақот ал-фуқаҳо ва-л-мухаддисин”, Имом Муслимнинг (ваф. 261/875) “ат-Табақот”, Абу Зуръа Димашқийнинг (ваф. 281/894) “ат-Табақот”, Бардижийнинг (ваф. 301/914) “Табақот ал-асмо ал-муфрода”, Насоййининг (ваф. 303/915) “ат-Табақот” ва Абу Арубанинг (ваф. 318/931) “ат-Табақот” асарларидир (Ибн Надим, 1971:286). Мазкур асарлар асосан ҳадис ровийлари ҳақида битилган.

Дастлабки табақот китоблари асосан ҳадис ровийлари ҳақида маълумот берган бўлса-да, маълум вақт ўтиб, бошқа соҳаларда ҳам табақот китоблари ёзила бошлаган. Шу тариқа табақот жанрининг майдони ҳам кенгайиб борган. Бу орқали хоҳ исломий, хоҳ ижтимоий, хоҳ инсоний илмлар ва ҳатто сиёsat илми билан шугуулланган кишиларнинг ҳаётига доир табақот китоблари ёзилган.

Ибн Саъд, Ибн Хайёт, Имом Муслимларнинг табақот китоблари асосан саҳобий, тобеий ва табаа тобеийлардан иборат ровийлар табақасини ўзида жамлаган бўлса, баъзи табақот китоблари фалсафа, тиббиёт ва табиий фанларда шухрат қозонган олимлар биографиясини ўз ичига олади. Мисол учун, андалуслик тарихчи Ибн Жулжулининг (ваф. 384/994) “Табақот ал-атиббо ва-л-хукамо” асарида турли даврларда яшаган, ҳар хил миллатга мансуб 57 та машҳур файласуф ва табиблар тўққизта табақага бўлиб ўрганилган. Машҳур оқулист ҳамда биограф олим Ибн Абу Усайбиа (ваф. 668/1269) “Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо” номли китобида жами ўн беш табақа ичида юонон, рим, ҳинд, сурёний ва мусулмон табибларининг ҳаёти, асарлари, тиббиёт ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тўхталиб ўтган. Унинг китобида Афлотун (мил. ав. 427–347), Арасту (мил. ав. 384–322), Киндий (801–873), Фаробий (873–950), Ибн Сино (980–1037), Ибн Рушд (1126–1198), Суҳравардий (1155–1191) каби машҳур сиймолар учрайди.

Табақот китоблари аксар ҳолларда “табақа” ёки “табақот” сўзларини ўз ичига олиб, “табақот ал-мухаддисин”, “табақот ал-муфассирин”, “табақот ал-фуқаҳо”, “табақот ал-курро”, “табақот ал-хуффоз”, “табақот ас-суфийа”, “табақот

ал-атиббо”, “табақот аш-шуаро”, деб номланган бўлса-да, биографик мазмунда бўлишига қарамай, табақот, деб аталмаган асарлар ҳам учрайди. Абул Валид ибн Фаразийнинг (ваф. 403/1013) “Тарих уламо ал-Андалус” (Андалус олимлари тарихи) асари шулар қабилидандир. Мазкур асар кириш қисмидан сўнг турли соҳа олимларининг алифбо тартибидаги биографиясини ўз ичига олади.

Валид Ҳасан Мустафо Баётин табақот асарларини замон, макон, илм соҳаси ва жамоаларга кўра ёзилган китоблар шаклида тўрт гурухга ажратган. Унга кўра, замонга асосланган табақотларга Ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубро”, Халифа ибн Хаййотнинг “ат-Табақот”, Заҳабийнинг “Тарих ал-ислом” асарлари мисол бўлади. Маконга асосланган табақот китоблари Исфаҳонийнинг “Табақот ал-исфаҳонийин”, Абу Фазл Ҳамадонийнинг “Табақот ал-ҳамадонийин” асарларидир. Илм соҳасига доир табақот китоблари маълум илмдаги олимларнинг таржимаи ҳолини ўзида жамлаган асарлар бўлиб, Заҳабийнинг “Табақот ал-курро”, Суютийнинг “Табақот ал-хуффоз” асари бунга мисол бўлади. Ибн Ҳажар Асқалонийнинг “Таърифу ахл ат-тақдис” асари эса, маълум жамоа табақотига бағишлиланган асар ҳисобланади (Валид Ҳасан Мустафа Баётин, нашр йили кўрсатилмаган: 81–114).

Ислом тарихига оид кўплаб асарлар биографик маълумотларни ўзида жамлагани учун табақот китоби ҳам ҳисобланади. Масалан, Жузжонийнинг (ваф. 664/1266) “Табақоти Носирий” асари умумий ислом тарихини баён қилиши билан бирга табақот анъаналарини ҳам ўзида акс эттиради. Муаллиф Одам (а.с.)дан то ўзигача яшаб ўтган шахсларни йигирма уч бўлим (табақа)га ажратган ва улар яшаган давр воқеаларини зикр қилган. Шамсидин Заҳабий (ваф. 748/1348) Пайғамбар (с.а.в.)дан ўз давригача бўлган тарихни баён қилган “Тарих ал-ислом” асарида ҳар ўн йилни бир табақа сифатида қабул қилиб, муҳим шахсларни етмишта табақада қаламга олган ва уларни вафот тарихларига кўра тартиблаб чиқкан. “Сияр ал-аълом ан-нубало” асарида эса саҳобийлардан бошлаб ислом оламида яшаб ўтган машҳур кишиларнинг биографиясини қарийб киркта табақада жамлаган.

Ислом тарихига оид табақот китоблари орасида шахслар эмас, ҳалқларни табақаларга ажратиб ўрганган асарлар ҳам учрайди. Жумладан, андалус олимларидан Соид Андалусий

(ваф. 462/1070) тўрт боб ва ўн фаслдан таркиб топган “Табақот ал-умам” номли китобида инсоният тарихидаги халқларни ирқи, тили, дини, маданият ва илм-фан ривожига қўшган ҳиссасига кўра таснифлаган. Олим аввалбошда дунёда еттига халқ яшаганини таъкидлаб, уларни форслар, калдонийлар, юонлар, қибтийлар, туркийлар, хиндлар ва хитойлар деб келтиради. Унинг яна бир таснифида халқлар илм билан шуғулланганлар (хиндлар, форслар, калдонийлар, юонлар, римликлар, мисрликлар, араблар ва яхудийлар) ҳамда илм-фан ривожига ҳисса қўшмаганлар (хитойлар ва туркий қабила вакиллари) ўлароқ иккига ажратилган.

Табақот китоблари мазҳаблар тарихи ҳамда маълум мазҳаб олимлари ҳаётини ўрганишда ҳам муҳим манба ҳисобланади. Табақот туркумидаги асарлар ёзиш оммалашганидан сўнг маълум мазҳабга мансуб олимлар ҳақидаги табақот китоблари ҳам юзага кела бошлаган. Хусусан, Ибн Абу Яълонинг (ваф. 526/1131) “Табақот ал-ҳанобила”, Тожиддин Субкийнинг (ваф. 771/1370) “Табақот аш-шофея”, Абдулқодир Курашийнинг (ваф. 775/1373) “ал-Жавохир ал-музия фи табақот ал-ҳанафия” асарлари айни мақсадда ёзилган табақот китобларига мисол бўлади. Ҳанафий табақоти муаллифларидан Хинолизода (ваф. 979/1572) ўзининг “Табақот ал-ҳанафийя” асарида факихларни динда, мазҳабда ва масалада факих бўлганлар шаклида уч табакага ажратган. Ибн Камол Пошо (ваф. 940/1543) эса, “Табақот ал-фуқаҳо” асарида факихларни динда мужтаҳидлар, мазҳабда мужтаҳидлар, масалада мужтаҳидлар, асҳоби таҳриж, асҳоби таржих, асҳоби тамийз ва муқаллидлар номлари билан етти табақага бўлиб ўрганган.

НАТИЖА

Табақот китобларини ўрганиш ислом илмлари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир даврда яшаб ўтган олимлар ўзлари шуғулланган илм ривожига маълум маънода ҳисса қўшганлар. Уларнинг саъй-ҳаракати билан илм-фан ва маданият ривожланиб борган. Олимларнинг қилган ишлари, асарларини қайд қилиб бориш орқали улар кейинги авлодларга танитилган. Кейинги давр вакиллари китоблардаги мазкур қайдлар орқали маълум илмда қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш имконига эга бўлганлар. Бу ўринда табақот китоблари кўприк вазифасини ўтаган. Шунинг

учун ҳар қандай илм соҳасига ҳисса қўшган кишиларнинг ҳаёти билан танишиш имконини берувчи табақот китоблари муҳим аҳамият касб этади. Шу жиҳати билан табақот китоблари ислом тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим манба саналади.

Табақот китоблари Ислом динининг иккинчи манбаси бўлган суннат борасида хатога йўл қўйишининг олдини олиш ва саҳиҳ ҳадис билан заиф ҳадисни ажратишда ёрдам бергани билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳадис ривоятида уйдирмалар пайдо бўла бошлаган вақтда муҳаддислар сохта ҳадисларни аниқлаш мақсадида ровийларнинг ҳоллари билан боғлиқ маълумотлар йиға бошлаганлар. Тўпланган маълумотлар кўпайиб, ёзув имкониятлари ҳам ортиб боргач, мазкур маълумотлар табақот ва рижол китобларида жамлана бошлаган (Ибн ас-Салоҳ, 1984:242). Шу тариқа табақот китоблари ровийларнинг ишончлилигини кўрсатувчи муҳим манбага айланган.

Табақот китоблари шахслардан баҳс юритиш давомида улар амалга оширган ишлар ва яратган асарларни ҳам баён қиласди. Бу эса, маълум даврларда амалга оширилган фаолиятларни бир бутун ҳолда ўрганиш имконини такдим қиласди. Бу жиҳат табақот китобларининг аҳамиятини янада оширади. Табақот китоблари шахсларнинг яшаган даври, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ва илмий-маданий муҳит ҳақида ҳам маълумот беради. Шу туфайли табақот китобларининг муҳим жиҳатларидан яна бири ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисалар ҳақида маълумот беришидир. Мазкур жиҳати билан табақот китоблари муҳим тарихий манба вазифасини ҳам бажаради. Табақот китобларида кишиларнинг табақаларга ажратилиши улардан ҳар бирининг ўзлари яшаган даврда кўришган инсонларини аниқлаш имконини ҳам беради (Mücteba Uğur, 1992:380). Табақот китоблари мазкур жиҳати билан ҳам аҳамиятга молик саналади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ислом тарихнавислигида шахсларни маълум гуруҳларга бўлиб ўрганишга асосланган табақот китобларини ёзиш анъанаси II/VIII асрдан бошланган. Табақот жанрининг юзага келишида ҳадис ровийларининг биографиясини ўз ичига олган алоҳида китобларга бўлган эҳтиёж муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, Қуръони карим оятлари ва ҳадисларда саҳобалар ҳамда улардан кейинги

мусулмонларга маълум даражаларнинг нисбат берилиши ҳам мазкур жанрнинг юзага келишида ўз таъсирини кўрсатган. Восил ибн Ато ва Муафо ибн Имрон илк табақот муаллифлари сифатида қайд этилса-да, бугунги кунгача етиб келган энг қадимги табақот китоби Мұхаммад ибн Саъднинг “ат-Табақот ал-кубрө” асари ҳисобланади. Ибн Саъддан сўнг табақот жанри янада ривожланиб борган. Даставвал саҳобий, тобеий ёки муҳаддис олимлар ҳакида табакотлар таълиф этилган бўлса, вакт ўтиши билан бошқа соҳа вакиллари ҳақидаги табақот китоблари ҳам кўпайиб борган. Табақот жанрига оид китоблар ислом тарихи ва маданиятини ўрганишда мухим манбалардан саналади. Ушбу туркумдаги китоблар фақатгина шахслар ҳақидаги биографик маълумотларни тақдим қилиш билан кифояланмайди, балки уларда ислом тарихига оид мухим воқеа-ходиса ва жараёнлар ҳакида ҳам сўз юритилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Абдураҳмон ас-Суламий. (1998). Табақот ас-суфия. Қоҳира: Muassasa Dor aш-ша’б.
2. Абу Бакр Зубайдий. (1984). Табақот ан-нахвийин wal-lugaviyin. Қоҳира: Dor ал-Маориф.
3. Абул Фазл Зайнуддин Ироқий. (2002). Шарх ат-табсира ват-тазкира. Байрут: Dor ал-кутуб ал-илмий. 2-жилд.
4. Ал-Малик ал-Ашраф Исмоил ибн Аббас Фассоний. (1975). ал-Асжад ал-масбук вал-жавҳар ал-маҳкук фи табақот ал-хулафа вал-мулук. Бағдод: Dor ал-Байон.
5. Emin Âşikkutlu. (2007). Ricâl İlmine Giriş. İstanbul: İFAV Yay.
6. Franz Rosenthal. (1963). Ilm at-tarikh indal-muslimin // translation. Salih Ahmad Ali. - Baghdad: Maktabat al-Musanna.
7. Huzyeфе Çeker. (2018). Hanefi Mezhebinde Biyografi Geleneği. Konya.
8. Ибн ас-Салоҳ. (1984). Улум ал-Ҳадис. - Дамашқ: Матбаа ал-Сабоҳ.
9. Ибн Ҳажар Асқалани. (2000). Нузҳат ан-назар. - Дамашқ: Матбаа ас-Сабоҳ.
10. Ибн Мунзир. (1968). Лисон ал-Араб. Байрут: Dor Содир. 10-жилд.
11. Ибн Надим. (1971). ал-Фихрист. Техрон.
12. İbrahim Hatipoğlu. (2005). Muâfâ b. İmrân // Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: TDV Yay. Cild. 30.
13. Mücteba Uğur. (1992). Ansiklopedik Hadis Terimleri Sözlüğü. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı.
14. Мұхаммад ибн Матар Захроний. (2005). Илм ар-рижал, нашъатуху ва татаввруху. Риёд: Dor Ибн Қайим.
15. Мұхаммад ибн Юсуф Жанадий. (1993). Китаб ал-сулук фи табақот ал-улама вал-мулук. Сана: Мактабат ал-Иршод.
16. Muhammed Aslan. (2017). Tabakat Kitapları ve Hadis İlmine Sağladıkları Faydalar // Bingöl Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi Sayı: 10.
17. Шамсуддин Саховий. (2005). Фатҳ ал-Муғис. - Риёд: Мактаба Дор ал-Минҳаж. 4-жилд.
18. Tarif Khalidi. (1973). Islamic Biographical Dictionaries: A Preliminary Assessment // The Muslim World. 63 (1).
19. Валид Ҳасан Мустафа Баётӣ. Мағхум ал-табақот инда-л-муҳаддисин // Мажалла ал-Жамиа ал-Ироқийя. 26-жилд. № 3.
20. Ёқут ал-Ҳамавий. (1993). Муъжам ал-удабо. - Байрут: Dor ал-Фарб ал-Исломий. 6-жилд.

REFERENCES

1. Abu Abdurrahman al-Sulami. (1998). Tabaqat al-Sufiyya. Cairo: Muassasa Dar ash-sha’b.
2. Abu Bakr Zubaidi. (1984). Tabaqat an-nahwiyyin wal-lugawiyyin. Cairo: Dar al-Maarif.
3. Abul Fadl Zainuddin Iraqi. (2002). Sharh at-tabsira wat-tazkira. Vol. 2. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
4. Al-Malik al-Ashraf Ismail ibn Abbas Ghassani. (1975). al-Asjad al-masbuk wal-jawhar al-mahkuk fi tabaqat al-khulafa wal-muluk. Baghdad: Dar al-Bayan.
5. Emin Âşikkutlu. (2007). Ricâl İlmine Giriş. İstanbul: İFAV Yay.
6. Franz Rosenthal. (1963). Ilm at-tarikh indal-muslimin // translation. Salih Ahmad Ali. - Baghdad: Maktabat al-Musanna.
7. Huzyeфе Çeker. (2018). Hanefi Mezhebinde Biyografi Geleneği. Konya.
8. Ibn as-Salah. (1984). Ulum al-Hadith. - Damascus: Matba’at al-Sabah.
9. Ibn Hajar Asqalani. (2000). Nuzhat an-nazar. - Damascus: Matba’at al-Sabah.
10. Ibn Munzir. (1968). Lisan al-Arab. Beirut: Dar Sadir. Vol. 10.
11. Ibn Nadim. (1971). al-Fihrist. Tehran.
12. İbrahim Hatipoğlu. (2005). Muâfâ b. İmrân // Türkiye Diyanet Vakfı İslâm Ansiklopedisi. İstanbul: TDV Yay. Cild. 30.
13. Mücteba Uğur. (1992). Ansiklopedik Hadis Terimleri Sözlüğü. Ankara: Türkiye Diyanet Vakfı.
14. Muhammad ibn Matar Zahroni. (2005). Ilm ar-rijal, nash’atuhu and tatawwuruhi. Riyadh: Dar Ibn Qayyim.
15. Muhammad ibn Yusuf Janadi. (1993). Kitab al-suluk fi tabaqat al-ulama wal-muluk. Sana: Maktabat al-Irshad.
16. Muhammed Aslan. (2017) Tabakat Kitapları ve Hadis İlmine Sağladıkları Faydalar // Bingöl Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi Sayı: 10.
17. Shamsuddin Sakhawi. (2005). Fath al-Mughis. - Riyadh: Maktaba Dar al-Minhaj. Vol. 4.
18. Tarif Khalidi. (1973). Islamic Biographical Dictionaries: A Preliminary Assessment // The Muslim World. 63 (1).
19. Walid Hasan Mustafa Bayati. Mafhum al-tabaqat indal-muhammadis // Majalla al-Jami'a al-Iraqiyya. Vol. 26. No. 3.
20. Yaqt al-Hamavi. (1993). Mu'jam al-udaba. Vol. 6. Beirut: Dar al-Gharb al-Islami.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустакил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.